

-сонли иш

А Ж Р И М

(Даъво аризасини иш юритишга қабул қилиш ва иш қўзғатиш ҳамда ишни суд муҳокамасига тайёрлаш тўғрисида)

Самарқанд шаҳри

2025 йил 30 июнь

Самарқанд шаҳар иқтисодий судининг судьяси Л.Абдурахмонов, ушбу кун даъвогар “CAKE LABORATORY” МЧЖнинг жавобгар

МЧЖга нисбатан базавий ҳисоблаш миқдорининг беш юз баравари (187 500 000 сўм) миқдорида товон пули ундиришни, шунингдек “CAKE LAB” товар белгисини жавобгарга тегишли бўлган ширинлик дўконлари ва қаҳвахоналар пешлавҳаларидан ҳамда ташриф қоғозлари (визиткалар)дан йўқ қилиш мажбуриятини юклаш тўғрисидаги даъво аризаси ва унга илова қилинган ҳужжатлар билан танишиб чиқиб, даъво аризаси Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий процессуал кодексининг 149-моддаси талабларига риоя қилинган ҳолда берилган деб ҳисоблайди.

Даъво аризаси бўйича белгиланган тартибда ва миқдорда давлат божи ҳамда почта харажати тўланган ҳамда даъво аризасининг нусхаси почта алоқа хизмати орқали жавобгарга юборилган.

Даъво аризасини иш юритишга қабул қилиш ва низони кўриш учун етарли асослар мавжудлигини инобатга олиб, низони ўз вақтида ва тўғри кўриб чиқирилишини таъминлаш мақсадида ҳамда Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий процессуал кодексининг 151, 152, 153, 162, 163-моддаларини қўллаб, судья,

а ж р и м қ и л д и:

1. Даъво аризаси иш юритишга қабул қилинсин ва иш қўзғатилсин.
2. **Иш 2025 йил 17 июль кўни соат 16:00да** Самарқанд шаҳри, Мингтут кўчаси 2-уйда жойлашган Самарқанд шаҳар иқтисодий судининг суд залида видеоконференцалоқа режимида бўладиган очик суд мажлиси муҳокамасида кўриб чиқиш учун тайинлансин.

Ишда иштирок этувчи шахслар, иқтисодий судлов ишларини юритишнинг бошқа иштирокчиларига Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий процессуал кодексининг 166-моддасида белгиланган видеоконференцалоқа режимидаги суд мажлисида иштирок этиш ҳуқуқи тушунтирилсин.

Видеоконференцалоқа режимидаги суд мажлисида иштирок этишлари учун ишда иштирок этувчи шахслар, иқтисодий судлов ишларини юритишнинг бошқа иштирокчилари суд муҳокамаси тайинланган кун ва вақтда ўз хоҳишларига кўра **Самарқанд шаҳар иқтисодий судига ёки Тошкент туманлараро иқтисодий судига** келишлари мумкин.

3. Ишни суд муҳокамасида кўришга тайёрлаш учун:

- **Даъвогар** зиммасига даъво аризага илова қилинган ҳужжатларнинг асл нусхаларини ва даъвони асословчи бошқа хил ҳужжатларни судга тақдим қилиш юклатилсин.

- **Жавобгарга** даъво аризаси юзасидан ўз эътирозларини тасдиқловчи ҳужжатларни тақдим этиш ҳуқуқи мавжудлиги тушунтирилсин.

4. Суд мажлисида тарафлар вакиллари тегишли тартибда расмийлаштирилган ишончнома, ваколатини ва шахсини тасдиқловчи ҳужжат билан қатнашиши шарт.

Даъвогар суд мажлисига келмаган ва ишни ўзининг иштирокисиз кўриб чиқиши тўғрисида ёзма розилиги бўлмаган тақдирда Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий процессуал кодексининг 107-моддасига асосан даъвони кўрмасдан қолдириши учун асос бўлади.

Судья

Л.Абдурахмонов

